



## LINGUISTIC STUDY OF OTORHINOLARYNGOLOGY TERMS

**Kalimbetova Dilnoza Azamatovna**

Doctoral student of

Karakalpak state university

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13838376>

### ARTICLE INFO

Received: 18<sup>th</sup> September 2024

Accepted: 24<sup>th</sup> September 2024

Online: 25<sup>th</sup> September 2024

### KEYWORDS

*Lexeme, context, linguistic aspect, lexicon, semantics, universal language, doublet, lexical unit.*

### ABSTRACT

*In this article, the terms of otorhinolaryngology are studied in terms of linguistic aspects. At the same time, it is appropriate to analyze the problems of linguistic expression of scientific concepts related to the field, the semantics of language units and specific subtle relations between lexical elements, based on terminological symbols, criteria and principles.*

## ОТОРИНОЛАРИНГОЛОГИЯ ТЕРМИНЛАРИНИНГ ЛИНГВИСТИК АСПЕКТДАГИ ТАДҚИҚИ

**Калимбетова Дилноза Азаматовна**

Қоракалпоқ давлат университети таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13838376>

### ARTICLE INFO

Received: 18<sup>th</sup> September 2024

Accepted: 24<sup>th</sup> September 2024

Online: 25<sup>th</sup> September 2024

### KEYWORDS

*Лексема, контекст, лингвистик аспект, лексика, семантика, умумадабий тил, дублет, лексик бирлик.*

### ABSTRACT

*Мазкур мақолада оториноларингология терминлари лингвистик аспектлар жиҳатидан тадқиқ қилинган. Шу билан бир қаторда соҳага оид илмий тушунчаларни лингвистик жиҳатдан ифодалаш муаммолари, тил бирликларининг семантикаси ва лексик элементлар ўртасидаги ўзига хос нозик муносабатлар, уларни терминологик белгилар, мезонлар ва тамойилларга асосланган ҳолда апрофлича таҳлил этиш мақсадга мувофиқ.*

Тилшуносликда **оториноларингология** терминлар тизимига тиббиёт лексикасининг маълум бир лексик қатлами сифатида қаралиб, у тиббиёт терминологик системаси билан уйғун ва параллел ҳолда ўрганилиши ҳақида маълумотлар мавжуд. Тўпланган маълумотларга таянган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, ЛОР терминологияси тиббиёт лексикасининг таркибий лексик қатлами ҳисобланганлиги сабабли мазкур соҳада қўлланиладиган термин ва лексемалар, шунингдек, ибораларнинг миқдори 650-800 тани ўз ичига олади. Бироқ, бу кўрсаткич, кун-сайин ошиб бормоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири турли тиллардаги тиббиёт маълумотлари ҳажмининг доимий ўсиши орқали кўплаб янги терминларнинг пайдо



бўлиши билан изоҳланади, албатта. Дарвоқе, умумадабий тилнинг таркибий лексик қатламлари энг ўзгарувчан ва таъсирчан қисми ҳисобланиб, у мунтазам ижтимоий - иқтисодий, сиёсий – маданий ва тарихий таъсирларни “бошдан кечиради”. Бу жараёнга тилшуносликда экстралингвистик омиллар сифатида қаралади. Натижада, замонавий тил лексик системасида турли хил терминлар муомалага кириб келади ва баъзилари эса муомаладан чиқиб архаик сўзлар қаторидан ўрин олади. Маълум соҳавий терминларнинг лексик-семантик, структур-семантик ва функционал жиҳатларини атрофлича ва чуқур таҳлил ҳамда тадқиқ этиш тилшунослар олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу билан бир қаторда соҳага оид илмий тушунчаларни лингвистик жиҳатдан ифодалаш муаммолари, тил бирликларининг семантикаси ва лексик элементлар ўртасидаги ўзига хос нозик муносабатлар, уларни терминологик белгилар, мезонлар ва тамойилларга асосланган ҳолда атрофлича таҳлил этиш мақсадга мувофиқ.

В.П.Данилеконинг таъкидлашича: “терминологик бирликларни ўзида мужассамлаштирган “терминология” деганда умумадабий тилнинг мустақил функционал тури, яъни анъанавий фан тили, хусусан, илм - фан, техника, санъат ва дипломатия каби соҳалар тили назарда тутилади. Шундай экан, мазкур фан тили умумадабий тилнинг функционал системаларидан бири сифатида жонли сўзлашув тили ва бадиий адабиёт тили тушунчалари билан бир қаторда туради”<sup>1</sup>.

Шуни таъкидлаш жоизки, тилда муайян соҳа терминлари ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди, балки улар ҳаётий реал эҳтиёж ва заруриятга кўра юзага келиб, шаклланади ва тил тараққиёти билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланиб боради ёки лексик-семантик, фонетик-фонологик жиҳатдан маълум ўзгаришларга учрайди.

Тилшунос олим А.Герднинг фикрига кўра: “...муайян соҳа термини илм-фан тараққиётининг маълум босқичида мавжуд тушунчаларнинг асосий хусусиятларини конкрет ва тўлалигича акс эттирувчи махсус терминологик маънога эга табиий ва сунъий тил бирлиги, яъни сўз ёки сўз бирикмасидир”<sup>2</sup>. Бу масала хусусида О.Ахманова эса ўз фикрини қуйидагича баён қилади: “Терминология қайсидир фан ўз тараққиётининг олий даражасига эришгандагина юзага чиқади, яъни термин муайян тушунча аниқ илмий ифода касб этгандан сўнг тан олинади. Терминни нотермин тил бирлигидан фарқлашнинг муҳим воситаси уни илмий асосда таърифлашнинг мумкин эмаслигидадир”<sup>3</sup>. В.Г.Гак соҳавий терминларнинг таърифини изоҳлаш билан бир қаторда, унинг мазмун-моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилган. Унга кўра: “...терминнинг тил сўз бойлигида тутган ўрни ўзига хослиги билан ажралиб туради, унга илмий ва луғавий бирликларнинг алоҳида тури сифатида қаралиши керак ва термин лексик бирликлар қўлланилишининг бир кўриниши холос”<sup>4</sup> – деган ғояни илгари суради. Тилшунос олим М.Мадвалиевнинг таъкидлашича: “Терминология илмий

<sup>1</sup>Даниленко В.П. Актуальные направления лингвистического исследования русской терминологии // Современные проблемы русской терминологии. - М.: 1986.-137 с.

<sup>2</sup>Герд А.С. Основы научно-технической лексикографии. Л.: Наука.1986. 233 с.

<sup>3</sup>Ахманова О.С. Очерки по общей и русской лексикологии. М.: 1988. 217 с.

<sup>4</sup>Гак В.Г. Сопоставительный лексикология: На материале французского и русского языка. М.: 1986. 186 с.



адабиётларда муайян фаннинг махсус тушунчалар тизими билан ўзаро боғлиқ бўлган терминлар жамланмаси сифатида таърифланади. Ҳар қандай тушунчалар тизимига муайян терминлар тизими тўғри келади. Терминологик тизим илм-фан тараққиёти билан биргаликда ривожланади. Терминлар умумистеъмолдаги сўзлардан фарқли равишда жорий қилиниб, уларнинг қўлланиши муайян даражада назорат остида бўлади”<sup>5</sup>. Олим ўз фикрини давом эттирар экан, юқоридаги фикрига қўшимча тарзда шундай дейди: “Терминнинг маъноси оддий сўздан фарқли равишда контекстга боғлиқ бўлмайди, яъни лексема муайян соҳада қўлланилар экан унинг айна маъноси сақланиб қолаверади. Бироқ, кўп маъноли терминларнинг аниқ маъносини ажратиш олиш учун контекст зарур бўлади”<sup>6</sup>.

Тилшунос олимларнинг юқоридаги қарашлари, фикр ва мулоҳазаларидан келиб чиқиб, биз мазкур илм-фан тилига ҳеч иккиланмасдан тиббиёт лексикасини, хусусан ЛОР терминологиясини ҳам киритишимиз тўғри бўлади, албатта.

Илмий манбаларни таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, тиббиёт терминлари олимлар томонидан асосан икки категория нуқтаи назаридан ўрганилади: 1. Тиббиёт соҳасида беморларни даволаш ва касалликни олдини олиш (профилактика) мақсадида қўлланиладиган терминлар; 2. Санитария-эпидемиологик ва гигиена нуқтаи назаридан қўлланиладиган терминлар.

Баъзи манбаларда қайд этилишича, **оториноларингология** соҳаси алоҳида фан сифатида XIX асрнинг иккинчи ярмида Европада пайдо бўлганлиги таъкидланади. Унинг терминологик тизимининг асосини эса ЛОР органларининг халқаро анатомик терминлари ва лексемалари ташкил этади. 1892-1893 йилларда А.Виларе томонидан немис тилида чоп этилган илк “**Тиббиёт энциклопедик луғати**”да ЛОР лексикасига оид лотинча *auricula* (қулоқ сунраси), *meatus acusticus externus* (қулоқнинг эшитиш канали), *plexus cervicalis* (томоқ томирларини туташуви), *cochlea* (қулоқнинг товуш қабул қиладиган қисми, найча) каби соҳага оид терминларнинг маънолари лотин тили транскрипцияси асосида берилган<sup>7</sup>.

Қайд этиш лозимки, бутун дунёда, хусусан мамлакатимизда ҳам ўзбек тиббиёт лексикасида ЛОР терминологиясининг мақоми ва мавқеи маълум мутахассислар ҳамда халқ мулоқоти жараёнида сезиларли даражада ривожланиб бормоқда ва мустаҳкамланмоқда. Бироқ, унинг имконияти ҳали лотинча номлардан, терминлардан, шунингдек, лексик бирликлардан фойдаланишни истисно қиладиган даражага етган эмас. Ҳозирги кунда лотин номенклатураси номлари ва уларнинг миллий муқобилларидан фойдаланиш туфайли ЛОР лексикасида илмий нутқнинг ўзига хос табақаланиши кузатилмоқда. Масалан, ёзма илмий матнларда, хусусан, диссертациялар, монографиялар, илмий мақолалар ёзилишида халқаро ЛОР терминлари устунлик қилади. Аммо, ўзбек тилида ёзиладиган дарслик ва ўқув қўлланмалари дидактик мақсадни кўзлагани боис терминларнинг қўлланилиш қулайлиги илмий терминларга

<sup>5</sup>Мадвалиев М. Қўшма терминларнинг хусусиятлари ва уларни тартибга солиш масалалари. // Ўзбек тили илмий-техникавий терминологиясини тартибга солиш принциплари. Тошкент: 1991. – 186 б.

<sup>6</sup>Ўша манба:

<sup>7</sup>Чернявский М.Н. История и проблемы упорядочения медицинской терминологии // Энциклопедический словарь медицинских терминов [под ред. Б.В. Петровского]. М.: 1984. С. 410.



нисбатан алоҳида ажралиб туради. Бинобарин, бир нечта объектив ва субъектив сабабларга кўра нутқда қўлланувчи ЛОР терминларининг барча функционал ва семантик жиҳатларига эътибор қаратиш лозим бўлади. Бу жараёнда албатта, асосий ўринни лотин тилидан кириб келган термин ва лексемалар эгалласа, маълум қисмини эса ўзбек миллий терминлардан фойдаланган ҳолда илмий тушунчаларнинг тавсифи эгаллайди. Масалан: қулоқ пардасидан чиқадиган олтингугурт моддаси “серум/церуминоз” (*glandulae seruminosae*) деб аталади. Бу модда рус тилида “сульфат” термини орқали номланса, аксарият ҳолларда у ўзбек тилида “қулоқ кири” сифатида таърифланади. ЛОР мутахассисларининг кундалик амалиётида дуч келадиган махсус соҳа терминлари прагматик мақсадлар билан белгиланади. Соҳа терминлари ва термин-лексемалар нутқнинг қисқалиги ва қулайлигини таъминлайди. Бу албатта, профессионал коммуникатив вазифаларни амалга ошириш учун миллий тил воситаларни танлашнинг мақсадга мувофиқлигига таъсир қилади. Аммо, шуни таъкидлаш жоизки, ЛОР клиник терминларининг ҳосиласини яратишда урғу термин ҳосил қилувчи функцияларга ва уларнинг миллий дублетларига эмас, балки лотин ва юнон тилидан кириб келган терминологик элементларга берилади. Масалан: мастоидит (бурун ўсмаси) термини инглиз тилидан эмас, балки лотин тилидаги *processus mastoideus* сўз бирикмасидан шаклланган термин ҳисобланади. Худди шундай, синуит (бурун бўшлиғидаги яллиғланиш) термини ҳам лотинча *sinus paranasalis* сўз бирикмасидан ҳосил бўлган терминлардан биридир. Юқоридагилардан англашиладики, аксарият ЛОР соҳасига оид терминлар асл тилда бир компонентдан ташкил топган бўлса, ўзбек тилига берилишида улар кўп таркибли терминларга айланмоқда. Шундай экан, соҳавий терминларнинг ўзига хос асосий учта хусусиятини кузатишимиз мумкин: 1. Номинатив хусусият; 2. Дискриптив хусусият; 3. Дефинитив хусусият.

Илмий манбаларнинг таҳлиллар натижалари шуни кўрсатдики, лингвистик жиҳатдан тавсифлаш жараёнида терминологик бирликларни кўп ва мураккаб қиррали лексик бирликлар сифатида изоҳлаш мумкин. Уларнинг тиббиёт тилида бажарадиган функциялари хусусида хилма-хил фикрлар билдирилади. Чунки, маълум соҳавий терминлар тиббиётнинг бошқа таркибий йўналишларига оид ёзма ва оғзаки мулоқотида ҳам қўлланилиши мумкин. Бироқ, улар функционал-семантик жиҳатдан образлилик, эмотив - экспрессивлик, услубий бўёқдорликдан ҳоли бўлишдан ташқари, уларда тизимлилик денотатив аниқлик, ихчамлик, қисқалик, бир маънога мойиллиги, контекстга нисбатан эса нейтраллик хусусиятлари доминантлик қилади.

## Referenes:

1. Даниленко В.П. Актуальные направления лингвистического исследования русской терминологии // Современные проблемы русской терминологии. - М.: 1986.-137 с.
2. Герд А.С. Основы научно-технической лексикографии. Л.: Наука.1986. 233 с.
3. Ахманова О.С. Очерки по общей и русской лексикологии. М.: 1988. 217 с.
4. Гак В.Г. Сопоставительный лексикология: На материале французского и русского языка. М.: 1986. 186с.



5. Мадвалиев М. Қўшма терминларнинг хусусиятлари ва уларни тартибга солиш масалалари. // Ўзбек тили илмий-техникавий терминологиясини тартибга солиш принциплари. Тошкент: 1991. – 186 б.
6. Чернявский М.Н. История и проблемы упорядочения медицинской терминологии // Энциклопедический словарь медицинских терминов [под ред. Б.В. Петровского]. М.: 1984. С. 410.